



УЎТ: 633.111.1; 631.527.3

ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАР УЧУН КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ҲОСИЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ЮҚОРИ ТИЗМАЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ

Дилмуродов Шерзод Дилмуродович¹, Мейлиев Акмал
Хушвақтович², Панжиев Эргаш Жуманазарович³

¹ Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
катта илмий ходим. Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот
институтини. ORCID: 0000-0003-1671-8554

² Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc), катта илмий ходим.
Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институтини

³ Эркин тадқиқотчи. Қашқадарё вилояти Қишлоқ хўжалиги
бошқармаси "Ғаллачилик, дукаккли дон ва мойли экинлар"
бўлими бош мутахассиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7203126>

ARTICLE INFO

Received: 03rd October 2022

Accepted: 07th October 2022

Online: 14th October 2022

KEY WORDS

кузги юмшоқ буғдой, нав,
тизма, биометрик
кўрсаткичлар, ўсимлик бўйи,
ҳосилдорлик.

ABSTRACT

Лалмикор майдонлар тупроқ иқлим шароитига мос бўлган, сувсизликка чидамли кузги юмшоқ буғдойнинг (Triticum aestivum L.) янги нав ва тизмаларини танлаш илмий тадқиқоти давомида 35 та нав ва тизмалар синовдан ўтказилди. Тадқиқот ўтказилган минтақанинг об-ҳаво шароитлари маълумотлари билан нав ва тизмалар хусусиятлари таққослаб баҳоланди.

Кириш. Мамлакатимизда лалмикор экин майдонлар 750 минг гектардан ошиқроқни ташкил этади. Республикаимизда мавжуд лалмикор майдонларда юмшоқ буғдой кузги муддатда биринчи ёғингарчиликдан сўнг, баҳорги муддатда феврал ойининг охири ва март ойининг биринчи ўн кунлигида экилади. Шунинг учун лалмикор майдонлар учун яратиладиган янги навлар қурғоқчиликка, касалликларга чидамли, ҳосилдор бўлиши билан бир қаторда дон сифат кўрсаткичлари юқори, қисқа ўсув даврида юқори биомасса ҳосил қила оладиган навлар бўлиши мақсадга мувофиқдир [1, 3, 8, 12].

Буғдой Олд ва Ўрта Осиё мамлакатларида милoddан аввалги 7-6 минг йилликларда маълум бўлган. 17 асрдан бошлаб Шимолий америкада экила бошлади. Буғдой Ер шарида шимолда 66° шимолий кенгликда (Швеция), Россияда эса тажриба майдонларида 76°44' шимолий кенгликда (Мурманск вилояти), жанубда Австралия, Жанубий Америка, Африканинг Жанубий чегараларигача экилади. Жахонда буғдой экиладиган майдонлар 250 млн. гектарга яқин бўлиб, етиштириладиган доннинг қарийб 30% ни ташкил этади, ўртача ҳосилдорлик 2,7 т/га бўлгани ҳолда, ялпи ҳосил 584,727 млн тоннани ташкил этмоқда. Сўнгги йилларда бу кўрсаткич



1990 йилга нисбатан экин майдони бўйича 0,5 фоизга камайгани ҳолда, ҳосилдорлик 1,4 фоизга, дон ишлаб чиқариш эса 1,3 фоизга кўпайди [2, 4, 5, 6, 7, 10].

Келажақдаги талабларни қондириш учун глобал буғдой ишлаб чиқариш ҳар йили 2 фоизга ошиши керак. Ғалла ҳосилдорлиги потенциали, сувдан фойдаланиш самарадорлиги, иссиқликка чидамлилиги, дон сифати, муҳим касалликлар ва зараркунандаларга чидамлилиги юқори бўлган буғдой навларини етиштириш ишлаб чиқаришнинг исталган ўсишининг камида ярмини таъминлашга ёрдам беради. Қолган ярми яхши агротехника ва тупроқни бошқариш амалиёти ва рағбатлантириш сиёсати орқали амалга оширилиши керак [9, 11, 15, 16].

Шунингдек, маҳсулдор бошоқлар, бошоқда дон шаклланиши ва 1000 та дон массаси каби барқарор белгилар ҳисобга олиниши керак. Шу билан бирга, миқдорий ва сифат кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олиш керак. Масалан, 1000 та дон массаси ва оқсил миқдори ўртасидаги боғлиқлик компенсацион эканлиги маълум, шунинг учун ҳосил ва маҳсулот сифати учун селекция ишларида иккала хусусиятни ҳам назорат қилиш керак [13, 14, 17].

Дон шаклланишида 1000 дона дон вазнининг юқори бўлиши мўл ва барқарор ҳосил олишини ҳал қилувчи белгисидир. Тупроқда намлик етишмаслиги, юқори ҳарорат, замбуруғ касалликлари билан зарарланиш 1000 дона дон вазнини камайишига олиб келади [18, 20].

Қурғоқчилик таъсирида ҳосилдорликнинг пасайишига, ўсиш

нуқталарининг тўхташи, ўсимлик барг юзасида ассимиляция жараёнлари қисқариши сабаб бўлган. Об-ҳавонинг қурғоқчил бўлиши, доннинг ялтироқлигига, дон сифатига, дон таркибидаги турли азотли бирикмаларга салбий таъсир этади [19].

Материал ва методлар.

Тажрибани олиб бориш учун 4 та андоза навлар ва 31 та янги тизмалар танлаб олинди. Андоза навлар сифатида республикамизнинг лалмикор майдонларида катта майдонга экилиб келинаётган Кўкбулоқ, Ғаллакор, Равон ва Оқсарой навлари олинди. Тадқиқот учун танлаб олинган тизмалар маҳаллий шароитда касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги, маҳсулдорлиги ва дон сифат кўрсаткичлари юқори маҳаллий ва хорижий илмий марказлардан келтирилган селекция намуналари ҳисобланади.

Тажрибада генотипларни тасодифий жойлаштириш схемасини ишлаб чиқишда ҳалқаро GenStat-13 дастурининг Alpha lattice design дан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти Қамашини бўлими майдонида олиб борилди. Тажрибалар ўтказилган 2021-2022 йил мавсумида қурғоқчил келганлиги кузатилди (1-жадвал).

Лалмикор деҳқончиликда ҳаво ҳарорати, ёғин миқдори ва ҳавонинг нисбий намлиги ўсимликнинг ўсиш-ривожланиши, ҳосил структурасининг шаклланиши, ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатади.



1-жадвал

2021-2022 йиллар мавсумида ўртача суткалик ҳаво ҳарорати, °C

Т/р	Ойлар	Ойлик ва ўн кунлик ҳарорат, °C				Ойлик ва ўн кунлик ёғин миқдори, мм			
		1	2	3	Ойлик	1	2	3	Ойлик
2021 йил									
1	Июнь	32,6	29,4	29,7	30,6				
2	Июль	34,3	29,2	32,3	31,9				
3	Август	31	27,2	27,8	28,6				
4	Сентябрь	26,9	23,6	21,7	24,1				
5	Октябрь	14,9	14,3	11,4	13,4			0,5	0,5
6	Ноябрь	7,4	6	9,7	7,7	10,6	3,4	0,6	14,6
7	Декабрь	10,1	5,2	6,5	7,3	4,2	2,1	4	10,3
2022 йил									
8	Январь	5,2	9	4,2	6,1	22	21,1	0	43,1
9	Февраль	6,8	6,9	11,2	8,1	19,5	0	0,4	19,9
10	Март	12,2	10,8	10,4	11,1	17,5	33,6	2,6	53,7
11	Апрель	21,1	20,7	23,7	21,8	0	5,7	1	6,7
12	Май	24,4	23,9	24	24,1	0,3	0	13,2	13,5
Жами									162,3

Ҳаво ҳарорати йиллик (мавсумий) ёғин миқдорига мос равишда кузатилиб, ёғингарчилик ўта кам бўлган ушбу йилда ҳароратнинг бошқа йилларга нисбатан юқори бўлиши ва аксинча,

ёғингарчилик ўртача кўп йилликка яқин бўлган 2020 йилларда ҳароратнинг паст бўлганлиги ва бошоқли дон экинларининг ўсиш-ривожланишига ижобий таъсир этиши кузатилди.




1-расм. Тажриба ўтказилган мавсумда ёғин миқдори, мм (2020-2021 йй).



Қамаши туманидаги лалмикор майдондаги ёғингарчилик миқдори дала тажрибалари ўтказилган 2020-2021 йил мавсумида жами 162,3 мм қайд қилинди. Ёғин миқдори октябр, ноябр ва декабр ойларида жуда кам бўлиб, 25,4 мм ни ташкил қилди.

Ёғин миқдори январ ойининг биринчи ва иккинчи декадаларида, феврал ойининг биринчи ва учинчи декадаларида 20 мм атрофида

бўлганлиги кузатилди. Энг кўп ёғин кузатилган ой март ойида 53,7 мм ёғингарчилик бўлганлиги қайд этилди. Ёғин миқдорининг кам бўлиши икки фаслли юмшоқ буғдой нав ва тизмалари ҳосилдорлигига таъсир этиб, ҳосилдорликни пасайиб кетишига сабаб бўлди. Лекин селекция ишларини олиб боришда қурғоқчиликка чидамли тизмаларни танлашда қулай шароитни келтириб чиқарди.



2-расм. Қамаши тумани лалмикор майдонида тажрибалар олиб борилган ойлардаги ҳаво ҳарорати, °C (2020-2021 йй)

Декабр ойининг биринчи декадасида ҳарорат 10,1 °C, иккинчи декадасида 5,2 °C, учинчи декадасида 6,5 °C бўлди. Ҳаво ҳарорати январ ойининг биринчи декадасида 5,2 °C ва иккинчи декадасида 6,5 °C бўлиб уруғларни тўлиқ униб чиқишини таъминлади. Ҳаво ҳароратининг паст бўлганлиги экиш-униб чиқиш даврини узайишига сабаб бўлди.

Ҳаво ҳарорати апрел ойида 21,8 °C ва май ойида 24,1 °C ни ташкил қилиб

нав ва тизмаларни яхши ўсиб ривожланишига таъсир кўрсатди.

Тажрибаларни олиб бориш давомида нав ва тизмаларнинг биометрик кўрсаткичлари ҳам аниқланди. Бунда нав ва тизмаларнинг ўсимлик бўйи, охириги бўғин узунлиги, бошоқ узунлиги, бошоқчалар сони каби кўрсаткичларига баҳо берилди. Бу кўрсаткичлар нав ва тизмаларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини



белгилаб берувчи муҳим хусусияти
ҳисобланади.

2-жадвал

**Кузги юмшоқ буғдой нав ва тизмаларининг биометрик ўлчов натижалари,
Қамаши, 2020-2021 йиллар.**

№	Нав ва тизмалар номи	Ўсимлик бўйи, см	Охирги бўғин узунлиги, см	Бошоқ узунлиги, см	Бошоқ- чалар сони, дона	Ўтиб қолишга чидам- лилиги, балл
1	Ғаллакор (ст)	77,0	20,0	5,3	15,7	9
2	Равон (ст)	69,0	21,7	5,3	15,7	9
3	Оқсарой (ст)	77,0	25,7	5,0	17,7	9
4	Кўкбулоқ (ст)	80,7	25,3	5,7	18,0	9
5	KR16-18IWWYTSA-9921	75,7	21,3	4,7	17,0	9
6	KR15-NAZORAT-77-67	75,3	25,3	5,3	15,7	9
7	KR15-NAZORAT-77-44	73,3	25,0	5,0	17,7	9
8	KR15-22FAWWON-SA-50	74,7	22,0	5,0	17,0	9
9	KR19-21IWWYT-SA-9907	76,7	21,0	4,7	14,7	9
10	KR19-21IWWYT-SA-9920	74,7	22,3	4,7	17,7	9
11	KR19-21IWWYT-SA-9928	73,3	16,7	4,3	17,0	9
12	KR19-21IWWYT-SA-9935	73,0	21,7	5,0	18,3	9
13	KR18BWF6-SA-P-113	72,3	21,0	5,7	18,0	9
14	KR18BWF6-SA-P-163	73,0	19,7	5,3	15,7	9
15	KR18BWF6-SA-P-198	73,3	20,0	5,3	16,7	9
16	KR19-BWF6-IR-22	75,0	24,7	5,7	16,0	9
17	KR19-BWF6-IR-59	71,7	25,7	4,3	19,0	9
18	KR19-BWF6-IR-61	74,7	21,7	5,0	17,3	9
19	KR19-BWF6-IR-120	76,3	21,7	5,0	17,7	9
20	KR19-BWF6-IR-144	72,7	23,0	5,3	17,7	9
21	KR19-BWF6-IR-175	73,0	22,0	5,0	16,3	9
22	KR19-BWF6-IR-190	74,3	22,7	5,3	16,7	9
23	KR19-BWF6-IR-191	70,3	20,0	5,7	17,0	9
24	KR19-BWF6-IR-221	76,7	25,3	5,3	17,3	9
25	KR19-BWF6-IR-245	76,3	22,7	5,3	16,7	9
26	KR18-BW-Sel F5-P-30	76,0	23,7	5,7	18,0	9
27	KR18-BW-Sel F5-P-902	76,0	25,0	4,3	15,7	9
28	KR18-BW-Sel F5-P-1391	75,7	19,7	5,0	17,3	9
29	KR19-26 FAWWON-SA-10	73,3	22,0	5,3	17,0	9
30	KR19-26 FAWWON-SA-16	73,3	22,7	4,7	17,7	9
31	KR19-26 FAWWON-SA-18	73,0	21,7	5,0	17,0	9
32	KR19-26 FAWWON-SA-23	68,0	18,7	6,0	17,3	9



33	KR19-26 FAWWON-SA-25	69,3	18,3	5,3	16,0	9
34	KR19-26 FAWWON-SA-36	74,3	20,0	5,7	17,0	9
35	KR19-26 FAWWON-SA-66	74,0	25,3	5,0	18,0	9
	Юқори кўрсаткич	83,00	27,00	6	19	9
	Ўртача кўрсаткич	74,09	22,14	5,2	17	9
	Паст кўрсаткич	62,00	14,00	4	12	9

Лалмикор майдонлар шароитида ўсимлик бўйининг юқори бўлиши қурғоқчилик йилларида ҳосил олишни таъминловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Пакана бўйли буғдой навлари қурғоқчилик йилларида ҳосилдорлигини кескин пасайтириб юборади. Шунинг учун ўсимлик бўйига кўра танлаш ишларини амалга оширганда нисбатан баланд бўйли тизмаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тажрибанинг 3 қайтариқлари ўртача натижаларга кўра, нав ва тизмаларнинг ўсимлик бўйи 68,0 – 80,7 см бўлганлиги аниқланди. Андоза Равон навида ўсимлик бўйи энг кам 69,0 см ни ташкил этган бўлса, Кўкбулоқ навида бу кўрсаткич анча юқори 80,7 см ни ташкил қилди. Ғаллакор ва Оқсарой навларида 77,0 см ни ташкил этганлиги аниқланди. Тажирибада ўрганилган тизмалардан 13 тасида ўсимлик бўйи 75 см ва ундан юқори бўлганлиги кузатилди. Қолган 22 та тизмаларнинг ўсимлик бўйи 68,0 – 75,0 см оралиқда бўлганлиги кузатилди.

Охирги бўғин узунлиги кўрсаткичи нав ва тизмаларнинг қурғоқчиликка чидамлик хусусиятини англатади. Тажирибада нав ва тизмаларнинг охирги бўғин узунлиги 16,7 – 25,7 см оралиқда бўлганлиги аниқланди. Иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамли бўлган андоза Кўкбулоқ навида охирги бўғин узунлиги 25,3 см ни ташкил этган бўлса, қолган 3

та андоза навларда бу кўрсаткич Кўкбулоқ навида нисбатан биров паст эканлиги аниқланди.

Нав ва тизмаларнинг бошоқ узунликлари устида ўлчов ишлари амалга оширилганда 4,3 – 6,0 см оралиқда бўлганлиги аниқланди. Ташқи муҳитнинг ноқулай таъсири яъни ёғин миқдорининг паст бўлганлиги натижасида бошоқ узунлиги сезиларли даражада қисқа бўлганлиги аниқланди.

Бир бошоқдаги бошоқчалар сони 14,7 – 19 тани ташкил этди. Андоза Ғаллакор, Равон навларида бошоқдаги бошоқчалар сони 16 тани ташкил қилган бўлса, Кўкбулоқ ва Оқсарой навларида 18 тани ташкил қилганлиги аниқланди. Нав ва тизмаларнинг ётиб қолишга чидамлик баҳо берилганда барча навлар ётиб қолишга чидамли бўлиб, 9 балл билан баҳоланди.

Лалмикор майдонларда кузги юмшоқ буғдойнинг дон ҳосилдорлиги деҳқончиликда асосий кўрсаткич ҳисобланиб, уни юқори бўлишига бир нечта хусусиятларнинг комплекс таъсир этиши ижобий натижа олишни таъминлайди.

Олиб борилган тажирибада нав ва тизмалар ҳосилдорлиги баҳоланганда 1,8 – 5,51 ц/га ни ташкил этганлиги аниқланди. Ҳосилдорликни кам бўлиши баҳор ойларидаги ёғин миқдорининг камлиги, ҳаво ҳароратининг юқори бўлганлиги сабаби юзага келди. Иқлим шароитининг бундай кўринишда



келиши айти курфоқчиликка ва иссиқликка чидамли кузги юмшоқ буғдой тизмаларини танлаб олишга қулай шароит яратди.

Нав ва тизмалар ҳосилдорлигини таҳлил қиладиган бўлсак, ўртача 3 қайтариқ натижаларга кўра, андоза навлардан Оқсарой навида 4,24 ц/га, Ғаллакор нави 3,59 ц/га, Равон нави 3,36 ц/га, Кўкбулоқ нави 3,12 ц/га ҳосилдорликни кўрсатди. Тажрибада олинган ҳосилдорлик кўрсаткичи статистик-математик ишлов берилиб, андоза навларга нисбатан юқори ва паст

кўрсаткичлар асосида нав ва тизмалар ҳосилдорлиги гуруҳларга ажратиб чиқилди. Ўрганилган 31 та тизмалардан 15 таси андоза Кўкбулоқ навидан юқори, 12 та тизмалар кам ҳосил берган бўлса, 4та тизмалар тенг ҳосилдор эканлиги статистик таҳлил натижаларига кўра аниқланди. Юқори ҳосилдорлик кўрсаткичи KR19-BWF6-IR-190 тизмаси 5,51 ц/га, KR19-26 FAWWON-SA-16 тизмаси 5,15 ц/га, KR18BWF6-SA-P-198 тизмаси 5,05 ц/га каби тизмаларда бўлганлиги кузатилди.

3-жадвал

Кузги юмшоқ буғдой нав ва тизмаларининг ҳосилдорлик кўрсаткичи, Қамаш, 2020-2021 йиллар.

№	Нав ва тизмалар номи	Ҳосилдорлик, ц/га	Андоза Кўкбулоқ навидан фарқи			1000 та дон вазни, гр	Дон натураси, гр/л
			ц/га	%	Гуруҳ		
1	Ғаллакор (ст)	3,59	0,47	15,0	I	34,4	764,1
2	Равон (ст)	3,36	0,24	7,6	I	33,5	759,5
3	Оқсарой (ст)	4,24	1,12	35,8	I	37,8	752,8
4	Кўкбулоқ (ст)	3,12	0,00	0,0	II	31,6	756,4
5	KR16-18IWWYTSA-9921	4,88	1,76	56,4	I	31,0	757,9
6	KR15-NAZORAT-77-67	4,10	0,98	31,4	I	35,1	773,8
7	KR15-NAZORAT-77-44	4,42	1,30	41,7	I	36,1	748,7
8	KR15-22FAWWON-SA-50	2,88	-0,24	-7,6	III	28,0	706,7
9	KR19-21IWWYT-SA-9907	4,80	1,68	53,7	I	35,3	763,2
10	KR19-21IWWYT-SA-9920	5,05	1,93	61,9	I	33,4	749,3
11	KR19-21IWWYT-SA-9928	2,83	-0,29	-9,4	III	27,8	727,6
12	KR19-21IWWYT-SA-9935	3,06	-0,06	-1,9	II	36,8	772,6
13	KR18BWF6-SA-P-113	2,59	-0,53	-16,9	III	28,9	680,1
14	KR18BWF6-SA-P-163	2,68	-0,44	-14,0	III	27,8	681,0
15	KR18BWF6-SA-P-198	5,05	1,93	61,8	I	33,5	777,6



16	KR19-BWF6-IR-22	3,35	0,23	7,4	I	25,8	694,2
17	KR19-BWF6-IR-59	2,54	-0,58	-18,6	III	28,0	683,8
18	KR19-BWF6-IR-61	3,32	0,20	6,4	I	28,2	681,7
19	KR19-BWF6-IR-120	2,80	-0,32	-10,2	III	27,7	695,1
20	KR19-BWF6-IR-144	4,70	1,58	50,5	I	35,7	754,2
21	KR19-BWF6-IR-175	2,49	-0,63	-20,0	III	28,3	684,6
22	KR19-BWF6-IR-190	5,51	2,39	76,7	I	36,7	743,8
23	KR19-BWF6-IR-191	5,00	1,88	60,2	I	35,5	766,4
24	KR19-BWF6-IR-221	2,14	-0,98	-31,5	III	32,0	677,1
25	KR19-BWF6-IR-245	3,07	-0,05	-1,5	II	31,8	728,3
26	KR18-BW-Sel F5-P-30	1,80	-1,32	-42,2	III	30,3	714,2
27	KR18-BW-Sel F5-P-902	4,79	1,67	53,4	I	36,6	757,3
28	KR18-BW-Sel F5-P-1391	2,45	-0,67	-21,6	III	29,4	725,1
29	KR19-26 FAWWON-SA-10	3,21	0,09	2,8	II	28,3	693,0
30	KR19-26 FAWWON-SA-16	5,15	2,03	65,0	I	35,8	769,0
31	KR19-26 FAWWON-SA-18	4,82	1,70	54,5	I	37,7	772,2
32	KR19-26 FAWWON-SA-23	2,81	-0,31	-9,8	III	31,2	681,4
33	KR19-26 FAWWON-SA-25	3,17	0,05	1,5	II	30,6	681,7
34	KR19-26 FAWWON-SA-36	4,81	1,69	54,3	I	35,8	753,0
35	KR19-26 FAWWON-SA-66	2,45	-0,67	-21,3	III	33,27	714,83
	Юқори кўрсаткич	5,62				38,80	781,20
	Ўртача кўрсаткич	3,63				32,28	729,78
	Паст кўрсаткич	1,75				25,40	674,30
	ЭКФ 0,05	0,18				0,98	5,33
	ЭКФ 0,05 %	4,92				3,04	0,73
	CV %	3				1,9	0,4

Тадқиқот олиб борилган йилда нав ва тизмаларнинг 1000 та дон вазни ёғин миқдорининг кам бўлганлиги сабабли генетик хусусияти даражасидан анча кам бўлганлиги кузатилди.

Олинган натижаларга кўра, нав ва тизмаларнинг 1000 та дон вазни

кўрсаткичи 25,8 – 37,8 г ни ташкил этганлиги аниқланди. 1000 та дон вазни андоза Ғаллакор навида 34,4 г, Равон навида 33,5 г, Оқсарой навида 37,8 г, Кўкбулоқ навида 31,6 г бўлганлиги аниқланди. Тажрибада ўрганилган тизмалардан 1000 та дон вазни 35 г дан



юқори бўлган 12 та, 30-35 г оралиқда бўлган 12 та ва 30 г дан кам бўлган 11 та тизма борлиги аниқланди. 1000 та дон вазни андоза Ғаллакор навидан юқори бўлган 11 та тизмалар борлиги аниқланди.

1000 та дон вазни KR19-26 FAWWON-SA-18 тизмасида 37,7 г, KR19-21IWWYT-SA-9935 тизмасида 36,8 г, KR19-BWF6-IR-190 тизмасида 36,7 г ни ташкил этиб юқори натижани кўрсатди.

Нав ва тизмаларнинг дон натура кўрсаткичи аниқланганда, 677,1 – 777,6 г/л ни ташкил этди. Андоза навлардан Ғаллакор навида 764,1 г/л, Равон навида 759,5 г/л, Оқсарой навида 752,8 г/л ва Кўкбулоқ навида 756,4 г/л ни ташкил этди. Дон натураси 750 г/л дан юқори бўлган 11 та, 700 – 750 г/л оралиғида

бўлган 9 та, 700 г/л дан кам бўлган 11 та тизмалар борлиги аниқланди.

Дон натураси юқори бўлган KR18BWF6-SA-P-198, KR15-NAZORAT-77-67, KR19-21IWWYT-SA-9935, KR19-26 FAWWON-SA-18, KR19-26 FAWWON-SA-16 тизмалар эканлиги аниқланди.

Хулоса. Кузги юмшоқ буғдойнинг рақобатли нав синаш кўчатзорида ўрганилган 4 та андоза нав ва 31 та тизмалардан KR19-26 FAWWON-SA-16 тизмаси 5,15 ц/га, KR18BWF6-SA-P-198 тизмаси 5,05 ц/га каби тизмалар юқори ҳосилдор эканлиги аниқланди ва кейинги йилда ҳам рақобатли нав синаш кўчатзорида синаб кўриш тавсия этилди.

References:

1. Dilmurodovich D. S., Sherqulovich H. A. BREEDING OF LOCAL HYBRID LINES OF BREAD WHEAT IN THE SOUTH REGIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Conference Zone. – 2022. – С. 248-256.
2. Dilmurodovich D. S. et al. EVALUATION OF WINTER BREAD WHEAT VARIETIES AND LINES ON COMPLEX VALUABLE TRAITS //Conference Zone. – 2022. – С. 117-123.
3. Dilmurodovich D. S., Rustamovna M. S., Usmanovna H. S. SELECTION OF EARLY MATURING AND HIGH YIELDING LINES OF DURUM WHEAT FOR IRRIGATED AREAS //Conference Zone. – 2022. – С. 124-131.
4. Anvarovich A. O. et al. SELECTION OF HEAT-RESISTANT LINES OF SPRING BREAD WHEAT FOR RAINFED AREAS //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 3. – С. 11-24.
5. Abdimajidov J. et al. SELECTION OF DROUGHT-RESISTANT LINES OF LENTILS IN RAINFED AREAS //British Journal of Global Ecology and Sustainable Development. – 2022. – Т. 2. – С. 74-79.
6. Abdimajidov J., Djumaev S., Dilmurodov S. YIELD INDICATORS OF NEW VARIETIES AND LINES SOYBEAN IN THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN //British Journal of Global Ecology and Sustainable Development. – 2022. – Т. 2. – С. 80-82.
7. Dilmurodovich D. S. et al. CREATION OF NEW DROUGHT-RESISTANT, HIGH-YIELDING AND HIGH-QUALITY VARIETIES OF BREAD WHEAT FOR RAINFED AREAS //British Journal of Global Ecology and Sustainable Development. – 2022. – Т. 2. – С. 61-73.
8. Dilmurodovich D. S. et al. CREATION OF NEW VARIETIES OF WINTER BREAD WHEAT FOR RAINFED FIELDS EARLY, BIOMETRICAL INDICATORS HIGH AND LODGING RESISTANT //British Journal of Global Ecology and Sustainable Development. – 2022. – Т. 1. – С. 68-78.



9. Dilmurodovich D. S. et al. SELECTION OF NEW LINES OF EARLY MATURING AND PRODUCTIVE WINTER BREAD WHEAT FOR RAINFED AREAS //Conference Zone. – 2022. – С. 45-54.
10. Dilmurodovich D. S. et al. SELECTION OF BREAD WHEAT LINES SUITABLE FOR RAINFED AREAS WITH LOW RAIN IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Conference Zone. – 2022. – С. 36-44.
11. Dilmurodovich D. S. et al. Selection of high grain yield elements of winter bread wheat lines for rainfed areas //Archive of Conferences. – 2021. – С. 55-62.
12. Amanov O. A., Juraev D. T., Dilmurodov S. D. Dependence of Growth Period, Yield Elements and Grain Quality of Winter Bread Wheat Varieties and Lines on Different Soil and Climate Conditions //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – Т. 25. – №. 6. – С. 5146-5164.
13. JURAEV D. T. et al. The Influence of Hot-Dry Wind on Farm Valuable Traits of Wheat Genotypes in Southern Regions of Uzbekistan //Plant Cell Biotechnology and Molecular Biology. – 2021. – С. 34-49.
14. Juraev D. T. et al. Heritability of Valuable Economic Traits in the Hybrid Generations of Bread Wheat //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 2008-2019.
15. Dilmurodovich D. S., Usmanovna K. S., Suyarovich I. F. SELECTION OF EARLY MATURING LINES OF WINTER BREAD WHEAT //Вестник науки и образования. – 2021. – №. 4-2 (107). – С. 7-11.
16. Dilmurodovich D. S., Khushvaktovich M. A., Orifovna B. F. EVALUATION OF HEAT TOLERANCE OF WINTER BREAD WHEAT VARIETIES AND LINES //СТУДЕНЧЕСКАЯ НАУКА: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И. – 2021. – С. 42.
17. Dilmurodovich D. S., Khushvaktovich M. A., Orifovna B. F. SELECTION OF EARLY MATURING DONOR VARIETIES AND LINES OF BREAD WHEAT //ИННОВАЦИИ В НАУКЕ, ОБЩЕСТВЕ, ОБРАЗОВАНИИ: сборник статей. – 2021. – С. 16.
18. MeylievAkmal K. et al. The Choice of Early Maturing Lines of Spring Bread Wheat for Irrigated Areas //НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ, ОБЩЕСТВО: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ. – 2021. – С. 30-33.
19. Дилмуродов Ш. Д., Каюмов Н. Ш., Бойсунов Н. Б. THE VALUE OF BIOMETRIC AND PRODUCTIVE INDICATORS IN THE CREATION OF WHEAT WITH A COMPLEX OF VALUABLE PROPERTIES //Life Sciences and Agriculture. – 2020. – №. 2-3. – С. 50-54.
20. Дилмуродов Ш. Д., Бойсунов Н. Б. STUDY OF BIOMETRIC INDICATORS OF BREAD WHEAT IN COMPETITIVE SEEDLINGS //Life Sciences and Agriculture. – 2020. – №. 1. – С. 11-15.